

9-10-2019

## THE ROLE OF MENTOR AND CLASSICAL LITERATURE IN THE SPIRITUAL EDUCATION OF YOUTH

Khaitboy Khujamov

*Samarkand State Institute of Architecture and Construction Teacher of the letter from the Department of Social Sciences*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

---

### Recommended Citation

Khujamov, Khaitboy (2019) "THE ROLE OF MENTOR AND CLASSICAL LITERATURE IN THE SPIRITUAL EDUCATION OF YOUTH," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 8 , Article 36.  
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss8/36>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

---

# THE ROLE OF MENTOR AND CLASSICAL LITERATURE IN THE SPIRITUAL EDUCATION OF YOUTH

**Cover Page Footnote**

???????

**Erratum**

???????

## ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯСИДА МУМТОЗ АДАБИЁТ ВА РАҲНАМОНИНГ ЎРНИ

Хўжамов Хайитбой Худойбердиевич

Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институти

Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

**Аннотаци:**я Мақолада бугунги кунда мумтоз адабиёт ва раҳнамолар ижод фаолиятдан ёшларимизнинг баҳраманд бўлишлари, уларнинг маънавиятларини янада бойитиши ҳисобига ўз фаолиятларидаги айрим муаммоларни бартараф этиш имконига эга бўлиш масалалари баён қилинган.

**Калит сўзлар:** мумтоз, раҳнамо, Ҳақ, имон, мураббий, пир, мурид, муришд, тасаввуф, эътиқод, шариат, маърифат, ҳақиқат, мурувват, футувват.

## РОЛЬ НАСТАВНИКА И КЛАССИЧЕСКОЙ ЛИТЕРАТУРЫ В ДУХОВНОМ ВОСПИТАНИЕ МОЛОДЕЖИ

Хужамов Хайитбой Худойбердиевич

Самаркандский государственный институт архитектуры и строительства

Преподаватель письма с кафедры общественных наук

**Аннотация:** В статье рассказывается о том, как классическая литература и творческое деятельность великих наставников и их способности решать проблемы связанные с духовном воспитанием молодежи.

**Ключевые слова:** классика, духовный наставник, вера, подопечный, старейшина, суфий, суфизм, религия, закон, просвещение, милосердие, сила, мурид, муришд, футувват.

## THE ROLE OF MENTOR AND CLASSICAL LITERATURE IN THE SPIRITUAL EDUCATION OF YOUTH

Khujamov Khaitboy

Samarkand State Institute of Architecture and Construction

Teacher of the letter from the Department of Social Sciences

**Abstract:** The article tells about how classical literature and the creative activity of great mentors and their ability to solve problems associated with the spiritual education of youth.

**Keywords:** classic, spiritual mentor, faith, ward, elder, Sufi, Sufism, religion, law, enlightenment, mercy, strength, murid, murshid, futuwoat.

Инсон тафакқурининг маҳсули ва беағи, маънавий тарраққиётидаги мўъжиза-китобнинг ўрни, инсоният тарихи ҳамда тақдиридаги аҳамиятини қанчалик юқори баҳоламайлик, қиёс ва ўлчовларнинг юксаклиги нисбийлигича қолаверади. Инсоният тафакқури имкониятларининг китоблардаги ифодаси гарчи “рационал”, “иррационал” деб аталмасин, бу икки атаманинг моҳияти бир-бирини тақозо этиш ҳамда тўлдиришдан иборат ва шундай бўлиб келмоқда.

Тарихдан маълумки, собиқ иттифоқнинг сиёсий қарашлари сабабли бизнинг маънавий бойлигимиз ҳисобланган нодир асарларимизнинг маълум қисми “дин руҳидаги иррационал қарашлар” дейилган ваҳ ҳамда бўҳтонлар оқибатида йўқ

қилинди. Оғир таъқиқларга қарамасдан, ҳалқимиз кўплаб нодир асарларни сақлаб қолганлиги, уларнинг илмга-китобга бўлган муҳаббати туфайлидир.

Инсон фарзанди туғилганидан то умрининг охирига қадар раҳнамога муҳтожлик билан яна ҳам содда қилиб айтганда, қалб ва иймон поклигига интилиб яшаркан, худди мана шу эзгулик йўлида китобга, раҳнамо йўриқларига эҳтиёж сезади. Бу йўлдаги барча амалларни тўғри бажарганлар ўз ҳаётлари давомида комилликнинг маълум даражаларига эришадилар ва улар ҳам, халқ раҳнамолари сифатида эъзозландилар. Халқимиз ўз тарихида қанчалик юксакликка эришган бўлса, билим орқали раҳнамоларнинг йўриғи билан эришган, жаҳолатга юз тутган даврга–илмсизлик, донишмандларга, раҳнамоларга эътиборсизлик, уларни тингламаслик оқибати сабаб бўлган ва бунга тарихда мисоллар кўп.

Буюк давлат асосчиси ҳамда арбоби Амир Темурнинг устозларига, пирларига кўрсатган эътибори-ю эҳтироми, ўз даврининг комилларига нисбатан бўлган содиқлик ҳамда садоқати, инсониятга ибрат даражасида бўлганлиги бежизга эмас. Авлодларга намуна сифатида сўнги манзилда ҳам абадий қароргоҳларни пиру комилларнинг ҳоқи-пойида бўлиши кераклигини васият қилди ва буни абадиятга муҳрлади. Худди шу тарихий воқеликнинг ўзи энг буюк фалсафа-ҳаётнинг сабоғи эканлиги ва бу сабоқни кейинги авлодларнинг теран англай олишаётганлари, даҳолар ҳеч қачон маънан ўлмасликларининг исботидир. Чунки уларнинг ибратли ҳаёти ўзларидан кейин ҳам ўз авлодларига комиллик сабоғини беришда давом этадилар. Улар бизларга қолдириб кетган бебаҳо хазина - ёзма маънавий манбаларнинг улғуворлиги фахр туйғуси билан бирга юксак ва шарафли масъулият юклайди.

“Ҳозирги кунда Ўзбекистонимизнинг китоб фондларида 100 мингдан зиёд қўлёзма асарлар сақланмоқда. Афсуски, бу нодир китоблар ҳали тўлиқ ўрганилмаган, улар олимлар ва ўз ўқувчиларини кутиб турибди. Ушбу ноёб асарларда бутунги давр ўртага қўяётган жуда кўп долзарб муаммоларга жавоб топиш мумкин. Хусусан, ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб берадиган, барча одамларни эзгулик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик йўлида бирлашишга даъват этадиган теран маъноли фикр ва ғоялар бутун ҳам ўз қиммати ва аҳамиятини йўқотган эмас” [5:14].

Талаба ёшларнинг маънавий мукамаллик даражасини ошириб боришларида юқорида қайд этилган манбаларнинг ўрни беқиёс. Уларнинг ичида тасаввуфга доир манбаларнинг қайта тайёрланиб нашр эттирилаётганлигини улғуш деб биламиз. Жалолиддин Румийнинг “Ичиндаги ичингдадур”, Муҳаммад ал-Ғазолийнинг, “Ихёу улумиддин”, Низомулмулкнинг “Сиёсатнома”, Амир Темурнинг “Темур тузуклари” каби китоблардан ёшларимизнинг баҳраманд бўлишлари учун маънавий мукамалликка эришиш воситаларининг энг сара асосларидир.

Улғуш адиб, тасаввуф илмини ўрганишимизда улкан ҳиссасини кўшган олим Нажмиддин Комилов ўзининг “Тасаввуф” номли биринчи китобида, ўқувчига тасаввуф оламидаги раҳнамоларнинг таълимотлари ҳақида баён этаркан, Заҳриддин Бобурнинг қаламига мансуб бир жумлани келтириб ўтган.

Йўлини топганму киши, то раҳнамо кўрсатмагай [2:23].

Ушбу жумла тасаввуф илми, унинг моҳиятини англамоқлик учун сарлавҳа бўларлик даражада топиб келтирилган лутфдир.

Мумтоз адабиётнинг инсон ҳаётида не чоғлик ўрин эгаллаши мумкин эканлигига, улуғ алломаларимизнинг ҳаётларида ёрқин мисоллар кўп. Қайд этиш жоизки, оила ҳар доимо инсон умрининг мазмуни учун жавҳар бўлиб келган. Оиладаги муҳит, илмга ва илми кишига бўлган юксак эҳтиромни ҳис этиб улғая бошлаган ёш Алишер, ўн уч ёшидаёқ Фаридиддин Атторнинг “Мантиқут тайр” дастонида ёд олгач, асар унинг ҳаётида қанчалик ўзгариш ясаганлигини алломанинг ўзи қуйидагича таъриф этган.

“Бу пайтда менинг қизиқувчан таъбим Фаридиддин Атторнинг “Мантиқут тайр” достонига кўнгли қўйган эди. Мен бу асарни такрор-такрор ўқир ёш кўнглим ундан баҳра топмоқда эди. Таъб унда ёзилган сўзларга ошно бўлгач, бошқа асарларни ўқишга майл кўрсатмади. Ундаги ажойиб ҳикояларга ўрганиб қолди, қуш тилидан айтилган ҳикоя ва мажозий фикрлар менга ошно бўлиб қолди. У ердаги бирон фикрга зехним қизиқиб, унинг нима мақсадда айтилганини билишга ҳаракат этар эдим”[3:444]. Ёш Алишернинг қалбида асар тафсилоти сабаб яралган илоҳий ишқ уни то умрининг охирига қадар тарк этмади. Фаридиддин Атторни ўзининг раҳнамоларидан бири деб билди, унинг китобидан олган таълимот моҳиятини беқиёс билиб, ўзида Шайх руҳи олдидаги маънан қарздорлик ҳиссини туйди. Буларнинг барчаси учун жавоб-ҳаққа нисбатан интилиш деб билди. Бу улуғ туйғу Аллоҳга нисбатан чексиз муҳаббат, устоз, пир раҳнамога садоқат тимсоли сифатида “Лисонут тайр” (Қуш тили) достонини ёзиб тугатди ва маҳзун кўнгли озгина бўлсада таскин топгандек бўлди.

“Умидим шуки, ҳар ким бу китобга қўз солиб ўқиса ва ундаги сўزلардан кўнглига ҳарорат етса, уни Шайх нафасидан деб йўйсин ва бу асардан файз топиб, ўз муроди мақсадига эришсин. Бунда бизни ҳам у билан бир қаторда кўриб, кўнгли иккилик сари майл қилмасин.”[3:444].

Ҳазрат Навоийнинг юқоридаги жумласи раҳнамоларига садоқатигина эмас, балки инсонийликнинг улуғ фазилатларидан камтаринлик, жўмардлик тимсоли ҳамдир.

Мамлакатимизнинг биринчи президенти Ислом Каримов томонидан “Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак шоирларнинг султони”[1:47], деб айтган таърифла келиб чиқиб, Навоийни ўрганмоқлик ва англамоқлик, тасаввуфни ўрганмоқ деб айтсак муболаға эмас. Ҳазрат Навоийнинг таъбири билан айтганда, ёшларимиз ўқиб ва ундаги сўزلардан кўнглилари ҳарорат сезиб, файз топиб муроди сари етакловчи асарлардан яна бири Жалолиддин Румийнинг “Ичиндаги ичиндадур” асари деб биламан.

“Мавлоно Румий ҳазратларини гоҳ Кант, гоҳ Спиноза, гоҳ Гегел каби файласуфлар билан қиёсладилар. Аммо Мавлоно Румий ҳеч кимга ўхшамайди, муаззам Шарқ тафаккурининг мўъжизали бир ҳайкалидирким, унда тасаввуф тараққиёти ҳам, олий кўринишда намоён бўлади”[2:22] -деб таърифлайди Нажмидди Комилов. Ушбу асар учун ёзган сўз бошисида.

Юқорида номи қайд этилган асардаги, олтмишдан зиёд фасл, байт шеър ва ривоятлар орқали баён этилган воқеликларнинг ҳар бири, ўқувчини чуқур тафаккурга етаклаб, гўзал мантиқли хулосалар билан тугайди.

Бир сўз билан айтганда, тасаввуф оламида кўнгил ҳарорат ёзиб файз топади. “Мажнун Лайли юртига бормоқ истаганидан хуши жойида бўлган пайтлар туясини у томонга ҳайдар эди, аммо хаёли Лайлига кетганида ўзи ва туяни унутарди. Шунда туя қишлоқдаги бўталоғини эслаб, орқага қайрилади. Қишлоққа келишлари билан Мажнун ҳам ўзига келади ва биладикки, икки кунлик йўли беҳуда кетибди. Шу тарзда уч ой давомида йўлда қолади. Ниҳоят, “Бу туя бошимнинг балоси” деб ундан иниб, пиёда йўлга тушади”[4:5]. Ишқ ва аллоҳ ўртасида қандай воситачи бўлиши мумкин. Жалолиддин Румий бу ҳикоя билан, Ҳақ жамолига эришмоқлик учун, у сари интилаётган ишқ ўртасида ҳар қандай унсур ортиқча эканлигини баён этади. Акс ҳолда туя каби уни чалғитади. Чунки туянинг мақсади бўталоғига етмоқлик, унга ишқ мутлақо бегона. Ҳақ жамолига эришмоқлик йўлидаги азоб - уқубат ҳам ишқ туфайли роҳатбахшдир, унинг жамоли сари поғонадир. Ҳадиси шарифда “Аллоҳга яқинлашмоқчи бўлган зот тасаввуф аҳли билан бирга ўтиради” [4:154] дейилади.

Тасаввуф аҳлидан илм ўрганмоқликнинг баёни, таълим олмақлик ҳамда таълим бермоқлик ҳақида “Хужжатул-ислом” Муҳаммад ал-Ғаззолийнинг таълимоти эътиборга молик. Дастлаб 2003-йилда 2000 нусхада, 2014-йилда 8000 нусхада мукаммаллаштирилиб, Тошкент Ислом университети жамоаси томнидан “Эҳёу улмиддин” (“Илм”) китобининг қайта нашр эттирилганлиги таҳсинга лойиқ. Бу улўғ амал нафақат ёшларимизга, балки кенг китобхонлар оммаси учун, тасаввуф илми ва оламдан баҳраманд бўлиш имконини берди. Мазкур манбада, ҳақиқатга-ҳаққа эришмоқлик учун фақат илм ўрганмоқ кераклиги, илм олувчи илм ўрганмоқлиги учун қандай вазифа ҳамда амалларни бажармоқлиги айтилиб, ўз навбатида таълим берувчининг амал ва вазифалари алоҳида-алоҳида кўрсатиб ўтилган. Асардаги яққоллик ўқувчининг диққат эътиборини тортиши билан бирга чуқур фикр юритишга ундайди.

Ўқувчи билим олмақлик учун нималар қилмоқлик кераклигини англаса, ўз навбатида таълим берувчи ўз вазифаларининг нозик жиҳатларини англаб этади. Жумладан, таълим олувчига қўйилган биринчи вазифа: “Талаба аввало қалбини жирканч хулқлардан, мазмум-ёмон сифатлардан покланиб олиши керак. Чунки илм - қалб ибодати ва Аллоҳга яқинликдир”[6:119]–дейилади ва талабани галдаги вазифани ўрганиб чиқишга чорлайди. Ўқувчи бу вазифани мажбуриятдан эмас, балки ички иштиёқ билан қабул қилади. Чунки белгиланган вазифалар талабанинг руҳиятига ҳам, фаолиятига ҳам яқин ва ойдинлиги билан ўзига жалб қилди. Вазифалар талаблар эмас, гуё Ҳазрат Навоийда келтирилган “Орланиб сўрамаган ўзига золим” ёки ҳадис шарифдаги “Билмаслик уят эмас, билимга интилмаслик уят”, - деб беозорлик билан айтилган сўзлар орқали бевосита илм олишга чорлайди. Жоиз бўлса, “Оҳанграболи” сўзлар каби баён этилишдан мақсад, қалбни улғайтиришдир. Ўқувчи тасаввуф ҳақидаги билимларини бойитиб бориш жараёнида устоз-мураббийнинг бевосита кўмагига ва йўриқларига эҳтиёж сезади, ўз навбатида бундай йўриқ ўқувчига албатта кўрсатилиб борилиш керак. Чунки

тасаввуф илмида раҳнамонинг йўриқлари ўрнини бошқа бирор манба боса олмаслиги мумкин. Мисол тариқасида: Шариат – имон покланиш илми; тариқат–ахлоқни покланиш илми; маърифат–фикрни поклаш илми; ҳақиқат–ўзликни англаш илми эканлигини моҳиятан англашларида устознинг–раҳнамонинг амалий ибрати ҳамда бевосита йўриқларисиз таълим олувчининг фикри мукамаллик даражасида бўлмаслиги мумкин. Бу маъсулиятни қай даражада ҳис этмоқ ва бажармоқ ўқитувчи зиммасида экан, бу шараф, тасаввуф таълимотида ҳам замон талабаларида ҳам ҳамоҳанглик касб этади.

Жумладан, таълим берувчига қўйилган талаб - вазифа мазкур манбада қуйидагича мисралар билан бошланган.

У ёнувчи пиликдирки, атрофга нур таратур,

Кимлар ундан нур олур, у ёниб адо бўлур.

Ушбу мисралардан маълумки, илм олувчининг камолоти, устоз – раҳнамонинг машаққати эвазига ҳосил бўлади.

Биринчи вазифа: “Муаллим таълим олувчига нисбатан шафқатли бўлиши ва уларга ўз болалари каби муомала қилиши керак” [6:119] . Биринчи вазифанинг ўзидаёқ, таълим берувчи аввало, таълим олувчига нисбатан меҳрли бўлмоқлик кераклигини, унга нисбатан шафқатли бўлиши, қалбига озор етказмаслик лозимлиги ўқтирилмоқда.

Раҳнамо ўз шогирдлари қалбини эзгулик нури билан тўлдириб, бу нур Ҳақ томон олиб борувчи йўлни ёритмоғи кераклигини айтади ва қалб ҳақида шундай дейди: “Қалб ҳам бир уй-фаришталар қўнадиган макон. Ғазаб, шаҳват, гина, ҳасад, кибр, манмансираш ва шунга ўхшаш разил сифатлар қопоғон итга ўхшайди. Фаришталар қандай қилиб, энди кўпшаклар орасига киради?! Ҳолбуки Аллоҳ илм нурини қалбга фақат фаришталар воситаси ила юборади”[4:44].

Ҳаётда, пирингиз ким–деган сўзни қўб бор эшитганмиз ва бу сўзнинг жавоби ҳаммани ҳам қониқтирмаган бўлиши мумкин. Яқин ўтмишда ота-боболаримиз Пир-раҳнамо йўриқларидан юзлари ёруғ, қаддилари тик бўлишган, ҳаёт сўқмоқларидаги оғир вазиятларда, уларнинг ҳузурларига бориб маслаҳатларини-йўриқларини олишдан тап тортишмаган. Бу муносабатлар ҳақида Н.Комилов шундай ёзади; “Пир муриднинг шодлигини ҳам, ғамини ҳам баҳам кўрган, уни насиҳат, танбеҳ ва илҳомбахш сўзлари, ҳаракатлари билан руҳлантириб, қуйидан-юқорига қараб тарбиялаб борган. Муриднинг қобилиятига қараб вазифаларни ҳам мураккаблаштириб бораверган. Пир ҳеч қачон муриднинг молига кўз олайтиришмаган, бирон- бир йўсинда таъмага ишора қилмаган, аксинча мурид қошида бирон мушкул

туғилганида дарров ёрдам бериш, мушкулени ҳал қилиши керак бўлган. Муриднинг фақат моддий қийинчилиги эмас, балки маънавий муаммолар юз берган ҳолларда ҳам, энг яхши раҳнамоси бўлган”[4:9].

Ёшларимизнинг мумтоз адабиётни, тасаввуф моҳиятини ўрганишлари маънавий баркамол инсон бўлиб камол топишларида, ўзликни англашларидаги асосий омиллардан биридир. Бу илмдан баҳраманд бўлишимиз учун бутун яратилаётган имкониятларнинг етарли эканлигидан қувонсак арзийди. Ўз навбатида бундай имконият, устоз - раҳнамолар йўриқлари, мумтоз адабиётдан баҳрамандлик

асосида самарали амалий фаолият олиб боришимиздек шарафли маъсулятни юклайди.

**References:**

1. Karimov I.YUksak ma'naviyat –engilmas kuch -T:Manaviyat, 2008.
2. Komilov N.Tasavvuf.-T:YOzuvchi, 1996.
3. Navoiy. Lisonut tayr.-T:G'afur G'ulom, 1991.
4. Rumi. Ichimdagi-ichindadur.-T:YAngi asr avlodi, 2013.
5. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti SHavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga murojaatnomasi -T:O'zbekiston, 2018.
6. G'azzoliy. Ehyou ulumiddin.-T.:Movarounnahr, 2013.